

ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ШАРОИТИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ УМУММАДАНИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ЖИХАТЛАРИ

Якубова Феруза Юсуфовна

Тошкент давлат педагогика университети изланувчиси

Замонавий жамиятда ҳаётнинг турли соҳаларида рўй бераётган ўзгаришларнинг динамикаси тез суръатларда янгиланаётган ахборот оқимини таҳлил қила оладиган, доимий равишда ўзгариб турадиган ижтимоий-иқтисодий аҳъана/тенденцияларни таҳлил қила оладиган, бозор рақобати шароитида ностандарт қарорларни оператив/тезда қабул қиладиган ва амалга оширадиган, ўзининг гуманистик йўналишини чуқурлаштирадиган ўзаро фаолиятнинг ишлаб чиқариш ва шахсий соҳаларини стереотиплаштиришнинг бартараф қилишлари зарур бўлган мутахассисларга алоҳида эҳтиёж келтириб чиқаради/туғдиради. XXI асрнинг бошларида Ўзбекистон таълим тизими таълимнинг мақсадлари ва кадрларини янгича тушуниш, кўппоғона/босқичли ва ўзгарувчан вариатив/ёндашувларни амалга ошириш зарурлигини англаш, бўлажак мутахассисларнинг касбий компетентлигини шакллантиришнинг мазмуни ва технологияларини такомиллаштириш билан тавсифланган чуқур ўзгаришлар даврига кирди. Ушбу жараёнлар Европада кўп йиллар давомида амалга оширилиб келмоқда. Олий таълимнинг ягона маконини фаол шакллантириш жараёни амалга ошмоқда. Европадаги интеграция жараёнларининг асосий ҳужжати 1999 йилдаги Болонья Декларацияси бўлиб, у Европа таълим тизимининг олдинда турган/кейинги мақсадларини, шу жумладан, талабаларнинг ҳаракатланувчанлигини ошириш, кейинчалик иш билан таъминлаш имкониятларини ошириш, бутун дунё бўйлаб олий таълимнинг рақобатбардошлигини ошириш ва бошқаларни белгилаб берди. Ўзбекистоннинг ягона таълим майдонига кириши Ўзбекистон таълим хизматлари бозорининг ички эҳтиёжларини қондиради (жавоб беради), чунки кўп поғонали/босқичли тизим иқтисодиёт ва ижтимоий соҳалар эҳтиёжларига оператив тарзда/тезроқ жавоб беришга имкон беради, шунингдек, шахснинг манфаатларига адекват/тегишли/етарлича жавоб беради, бу эса мослашувчанроқ таълим траекторияларини қуриш имконини беради. Бундай шароитда олий таълимнинг енг муҳим вазифаси касбий малакалибакалавр даражасини-фаол ҳаётийпозицияга ега, келажакда ўз-ўзини тарбиялаш ва самарали фаолиятга қодир шахсни шакллантиришга

қодир ўқитувчинитугатишдир. 2011 йилда икки поғонали/даражали олий таълим тизимига оммавий ўтиш таълим мақсадларини белгилашга, уни бошқариш усуллари ва олий маълумотли бакалавр шахсига янги талабларни қўяди. Ўқув жараёнини лойиҳалаштиришга, уни компетентликка асосланган ҳолда модернизация қилишга замонавий истиқболли ёндашувларни ишлаб чиқиш масалааси долзарблашади.

Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг стратегик мақсади иқтисоднинг инновацион ривожлантириш талабларига, жамият ва ҳар бир фуқаронинг замонавий эҳтиёжларига жавоб берадиган сифатли таълимни олиш осонлиги/бепуллиги/мавжудлик даражасини ошириш таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг стратегик мақсади ҳисобланади. Ушбу мақсадни амалга ошириш қўйидаги устувор вазифаларни ечишни ўз ичига олади: таълимнинг инновацион хусусиятини таъминлаш; таълим муассасаларини ижтимоий ривожланиш воситаси сифатида модернизация қилиш; узлуксиз таълим, профессионал кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг замонавий тизимини яратиш; истеъмолчилар иштирокида таълим хизматлари сифати ва уларга бўлган талабни баҳолаш механизмларини шакллантириш, халқаро қиёсий тадқиқотларда иштирок этиш. Шу билан бирга, ушбу соҳадаги устувор йўналишлар кадрларни касбга тайёрлаш/касбий таълим беришнинг мазмуни ва структурасини меҳнат бозорининг замонавий/жорий/ҳозирги эҳтиёжларига мослаштириш ва юқори сифатли таълим хизматларини олишнинг осонлиги/бепуллиги/мавжудлиги даражасини оширишдан иборат.

Кадрларни тайёрлаш мақсадлари ҳақида гап юритганда, бундай таълим/тайёрлаш замонавий меҳнат бозоридида рақобатбардош, компетент, масъулиятли, ўз касбини пухта/эркин/яхши эгаллаган/яхши биладиган ва турдош фаолият соҳаларига таянадиган/мўлжал оладиган/йўналтирилган, педагогик ва ахборот технологияларини яхши биладиган, доимий изланишга қодир малакали ва касбий ўсишга, ижтимоий ва касбий мобилликка қодир (қобилиятли) ходимни шакллантиришдан иборат бўлиб. Бу Ўзбекистонда таълимни чуқур ислоҳ қилишга, биринчи навбатда келажакдаги мутахассиснинг касбий компетентлигини шакллантиришга олиб келиши зарур. Бироқ, шуни таъкидлаш керакки, ўз фаолиятида инновацион ёндашувлардан фойдаланадиган таълим муассасалари сони кўп эмас, ва рақобат ва таълим дастурларини амалга оширишда янги ёндашувларни тарқатиш механизмлари мавжуд эмас. Бир қатор таълим ташаббуслари

локал/маҳаллий характерга эга ва уларни бутун таълим тизимида татбиқ этиш қийин кечмоқда. Ўзбекистон фуқароларининг хизмат пиллапооялаораида ўсиш/карьерга ва шахсий ўсиши учун тенг бошланғич имкониятларни таъминлаш учун зарур бўлган юқори сифатли таълим билан таъминлаш (қамраб олиш), бир томондан, етарли эмаслигича, бошқа томондан эса - Ўзбекистоннинг турли минтақаларидаги ижтимоий-иқтисодий шароитларга нисбатан ҳаддан ташқари табақалаштирилган табиатга эгаллигича қолмоқда.

Сўнги йилларда мамлакатимиз илм-фанида тадқиқотчилар "компетенция", "компетентлик", "компетентликка асосланган ёндашув" тушунчаларига диққат-эътибори кучайгани кузатилмоқда. Ушбу анъана/тенденция етарлича табиий/муқаррар бўлиб, бир қатор сабаблар билан изоҳланиши мумкин. Улар орасида: ижодий шахсни ривожлантиришнинг барча қирралари/томонларини ва жамиятнинг шахсий-касбий фазилатларга, билим, малакалар ва кўникмаларга бўлган замонавий талабларини ўз ичига олган замонавий таълим концепциясини яратиш зарурати; интеграцион жараёнлари; олий мактабнинг мутахассисда нафақат топ фанга оид, билан "фандан юқори" турадиган, унинг мустақил такомиллашиш ва ўз фаолиятини тегишлича/адекват баҳолаш қобилиятини таъминлайдиган компетенцияларни шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилганлиги билан шахсий-касбий фазилатларга йўналтириш билан изоланади.

Талабаларнинг касбий компетентлигини шакллантириш жараёнини тавсифлашда, "компетентлик" ва "компетенция" тушунчаларининг моҳиятини таҳлил қилиш керак. Анъанага кўра, мамлакатимиз педагогикасида одатда "компетентлик" ва "компетенция" тушунчаларини бир-биридан фарқлаш қабул қилинган.

Биринчисига ходимнинг (мутахассиснинг) характеристикаси сифатида, иккинчиси эса иш жойининг (лавозим, мансабнинг) характеристикаси сифатида таъриф берилади. Шундай қилиб, "компетентлик" тушунчаси (лотинча *competo* – ҳамқриқда эришаман, етаман, мос/мувофиқ келаман, тўғри келаман) луғатларда "бирор нарса борасида фикр бериш/ҳукм қилишга имкон берадиган билимга эга бўлиш", "хабардорлик, ҳуқуқ/ваколат мавжудлиги" маъноларини берса, "компетент" лот. *compétents* дан – мувофиқ келувчи, қобилиятли) сўзи луғатларда "хабардор", "бирор мапсала борасида тан олинган билимдон, нуфузли, обрўли, тўла ҳуқуқли, ваколатлар доирасига эжга, қобилиятли, қодир" деган маъноларни англатади. Мазмунан, терминологик нуқтаи назардан "компетенция" ва

"компетентлик" тушунчалари бир-бирига жуда яқин: "компетенция" - бу инсоннинг касбий фаолияти билан боғлиқ амалий ва назарий муаммоларни ҳал қилиш учун олинган билим, малакалари ва кўникмалардан фойдаланишга тайёриги [80, 20-б.]. Мутахассисларнинг касбий компетентлиги масалалари замонавий хорижий олимлар (G. Moskowitz, R.L. Oxford, R.C. Scarcella, E. Tarone, G. Yule) эътиборини тортади ва бу масалада бундай олимлар урғуни замонавий ходимнинг шахсий сифат/фазилатларининг ижтимоий қадриятларига ўзгартиришади/йўналтиради.

Олим А.В. Хуторскойнинг таърифига кўра, компетенция - бу маълум бир предметлар ва жараёнларга нисбатан бериладиган/ўрнатиладиган ва уларга нисбатан самарали ҳаракат қилиш учун зарур бўлган ўзаро алоқадор шахсий сифат/фазилатлари (билимлар, малакалар, кўникмалар, фаолият усуллари) тўплами. Компетентлик - бу шахснинг тегишли компетенцияга ва унинг фаолият предметига нисбатан шахсий муносабатини ўз ичига олувчи компетенцияга эга бўлиши [192, 5 б.].

"Касбий компетентлик" тушунчаси тарихига қисқача назар ташлайдиган бўлсак, психологик-педагогик назария ва амалиёт мутахассиснинг шахси ва касбий фаолияти ҳақидаги ғоялар, тушунчалар, ва моделларининг бой илмий фондини тўплаган ва уларни амалга ошириш учун шароит яратиш бўйича тажриба тўпланган деб айтишимиз мумкин. Таҳлил қилинган манбалар (А.Г. Бермус, Э.Ф. Зеер, И.А. Зимняя, В.А. Козирев, Н.Ф. Радионова, А.П. Тряпицына, Ю.Г. Татур, А.В. Хуторской, Т.А. Бойченко, Т.В. Ежовой, Е.С. Карякиной, А.А. Петрова ва бошқ.) бу категория қадимий/антик даврда келиб чиққанлигини ва аста-секин зарурий мазмун билан тўйиниб/озиқланиб, замонавий терминологик расийлашувга эришганлигини кўрсатади. Ушбу кўтарилиш босқичлари Афлотун асарларида таълимнинг энг юқори даражаси, Арасутнинг кенг умумий таълимни касбни ўрганиш билан бирлаштиришга асосланган олий таълим ҳақидаги фикрларида, Ўрта асрлар университетларида касб-ҳунар таълимини рационалистик асосда ташкил этиш ғоясинининг рўёбга чиқарилиши/амалга оширишда, олий мактабининг реализм тамойилининг ривожланиши, XVIII - XIX асрларда энг яхши дунёвий мактабларнинг ОТМларга айланишида ўз аксини топган. Ушбу бир-биридан кейин жадал келадиган тарихий ўзгаришлар ОТМларнинг рақобатбардош, касбий компетент мутахассислар ишлаб чиқарадиган олий ўқув юртларининг мураккаб ва кўп ўлчовли муаммоларини ҳал қилишга ёндашувларни

излашдан далолат беради.

Унинг турли жиҳатлари фалсафа, педагогика, психология, социология, касбий таълим назарияси ва методикаси, акмеология, андрагогика ва бошқа гуманитар ва фанлараро илмий соҳаларда ўрганилади. Бу педагогика фанида касбий жиҳатдан компетент мутахассиснинг, унинг моҳияти, мазмуни, структураси, шартланганлиги ва шакллантириш ва ривожланиш имкониятларининг яхлит сиймоси/тимсолининг келтирилганлиги/ мавжудлиги, берилишининг зарурлигини тасдиқлайди. Педагогларнинг касбий аҳамиятли сифат/фазилатлари олимлар томонидан узоқ вақт давомида ўрганиб келинди ва касбий компетентликнинг мазмунини унинг шаклланишининг педагогик, психологик ва ижтимоий шароитларини аниқлаш билан белгилашган.

Шуни таъкидлаш керакки, психологик-педагогик адабиётларда "компетентлик" тушунчаси нисбатан яқинда кенг тарқала бошлади. Масалан, 1960-йилларнинг охири - 1970-йилларнинг бошларида ғарб адабиётида ва 1980-йилларнинг охирларида мамлакатимиз адабиётида – таълимда компетентликка асосланган ёндашув каби махсус йўналиш туғилди. Бўлажак мутахассиснинг касбий компетентлигини шакллантириш муҳимлигини таъкидлаб, таълимни модернизация қилиш тўғрисидаги ҳужжатларда компетентликка асосланган ёндашувини таълим мазмунини янгилашнинг муҳим концептуал қоидаларидан бири деб эълон қилинди.

Таълимга нисбатан "компетентликка асосланган ёндашув" тушунчаси таълимга ташқарпидан қараш туфайли юзага келди ва индивид ҳаёти билан таълим институтлари (муассасалари) - мактаблар, техник билим юртлири, ОТМ ва ҳоказолардан ўтгандан кейин бевосита алоқадор. Компетентликка асосланган ёндашувининг кўплаб ғоялари меҳнат бозоридаги вазиятни ўрганиш ва меҳнат бозоридла ишчи-ходимга нисбатан ўрнатиладиган талабларни аниқлаш натижасида ишлаб чиқилган [122, 11 б.]. Олим Ю.Г. Татурнинг таърифига кўра, таълимнинг мазмунига эмас, балки компетенцияларда ифодаланган компетентликка асосланган ёндашув[183, 51 б.]. Манбаларни таҳлил қилиш жараёнида компетентликка асосланган ёндашувининг ижобий жиҳатлари ажратиб олинди. Бу ёндашувдан фойдаланиш олий касбий таълим йўналишларини, битирувчиларнинг "касбий маданият", "касбий ижодқрлик" каби замонавий тушунчаларга мувофиқ келадиган, касбий аҳамиятли билимлар,, малакалар ва кўникмаларни профессионал

тарзда ривожлантиишнинг номенклатураси ва мантиқий структурасини юқорироқ аниқлқ даражасида аниқлаш имконини берди.

Компетентликка асосланган ёндашув мутахассисни тайёрлаш жараёнига фаолиятлилик, амалиётга-йўналтирилганлик характерини беради ва касбий таълим соҳасидаги инновацион жараёнларнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Бизнинг фикримизча, "касбийкомпетентлик" тушунчасини киритишнинг мақсадга мувофиқлиги унинг мазмунининг кенглиги, "профессионализм", "квалификация/малака", "касбий қобилиятлар" ва бошқа каби кенг қўлланиладиган тушунчаларни бирлаштирган интегратив хусусияти билан шартланган. Терминологиядаги (атамаларда) фарқларга қарамай, муаллифлар компетентлик таркибида: назарий, амалий ва шахсий каби учта компонент (даража) мавжудлиги фикрида яқдил. Назарий нуқтаи назардан, турли муаллифлар (В. А.Сластёнин, Н.М.Боритко, О.А. Соломенникова ва бошқ.) педагогик компетентликка таърифлар беришган, структурасини таклиф қилишган ва компетентликлар таснифини тузишган. "- Компетентлик" ва "касбий компетентлик" тушунчаларининг таҳлили компетентлик инсоннинг маълум бир фаолият ёки билим тизимини билишининг маълум, анча юқори даражаси сифатида (М.В. Булигина, Н.В. Кузьмина, Л.А. Петровская ва бошқ.); индивидуалликнинг ўзгарадиган шароитларда фаолият муваффақиятини таъминлайдиган интеграл хоссаси сифатида (С.И. Змеев); муайян объектлар ва жараёнлар доирасига нисбатан ўрнатилган ва уларга нисбатан юқори сифатли маҳсулдор фаолияти учун зарур бўлган шахсий сифат/фазилатлар йиғиндиси/тўплами сифатида (Д.И. Иванова, К.Г. Митрофанов, О.В. Соколова ва бошқ.) тушунилишини кўрсатди. Баъзи тадқиқотчилар касбий компетентликни инсоннинг касб талабларига мувофиқлиги даражасининг индивидуал характеристикаси, унга мустақил ва масъулиятни ҳисм қилган ҳолда иш/ҳаракат қилишга имкон берадиган психик сифат/фазилатларнинг бирга келиши/комбинацияси (Н.В. Ключева, А. К. Маркова); инсоннинг муайян меҳнат функцияларини бажариш қобилияти ва малакаси сифатида (К.К. Платонов); касбий фаолият соҳасидаги етуклиги сифатида (Е. К. Климов) қарашади/ҳисоблашади. Компетенция (лот дан. competo сўзидан competentio – эришаман, мувофиқ келаман, мос келаман) - бу мутахассиснинг маълум бир касбий вазифаларнис ҳал қила олишнинг шахсий қобилияти ҳисобланади. Бугунги кунда компетенцияларни таълимни модернизация қилиш шароитида

Ўқитувчининг фаол мавжудлиги омили сифатида кўриб чиқиш мумкин (Ф. Х. Киргуева).

Компетенция деганда, шунингдек, компания ишчи-ходимларининг (ёки маълум бир ходимлар гуруҳининг) шахсий, касбий ва бошқа сифат/фазилатларига расмий равишда тавсифланган талаблар ҳам тушунилади. Олима М.Д. Лаптева компетентликни калит, базавий/асосий ва махсус компетенцияларга ажратади [93, 33 б.]. Калит компетенциялар тез ўзгарувчан замонавий дунёда шахснинг муваффақиятлилиги билан боғлиқ бўлиб, базавий компетенциялар маълум бир фан ёки фандан юқори/усти соҳасининг спецификасини белгилайди. К.Ангеловски касбий компетентлик структурасини педагогик малакалар [2, 63 б.] орқали ажратиб кўрсатади. Тизимли ёндашув нуқтаи назарларидан, компетенция деганда “шахснинг муайян предметлар, жараёнлар доирасига нисбатан сифатли ва маҳсулдор амал/иш/ҳаракат қилиш ва уларга нисбатан бериладиган (ўрнатиладиган) ўзаро алоқадаор (боғлиқ) сифатларининг (билимлар, малакалар, кўникмалар ва фаолият усулларининг) иўплами/мажмуи/йиғиндиси” деб тушуниб, касбий компетентликнинг структурасида олим А.В. Хуторской компетенциялар тўпламини ажратади [194, 14 б.].

Шу муносабат билан яна бир таниқли тадқиқотчи Ю.Г. Татур қуйидагича таъкидлайди: “ҳал қилиш учун қуйидагилар зарур бўлган ...кадрларнинг касбий компетенциясининг илғор/олдин ўсиши муаммоси тўлалигича қад кўтаради” ... “ўқитишдаги урғу/эътиборни “тайёр билимларни” ўзлаштиришдан ностандарт фикрлаш, ижодий қобилиятлар ва сифат/фазилатларни ривожлантиришга кўчириш/йўналтириш”, “...ўқитиш/таълимнинг мутахассис тайёрлаш сифатини оширишда сакрашни ... таъминлашга мўлжалланган репродуктив турига ўтиш” [183, 63 б.]. Олим И.А. Зимняя тақлиф қилган ягона ижтимоий-касбий компетентлик модели энг кенг қамровли ва универсал ҳисобланади. Ушбу моделга мувофиқ, олий таълим натижасининг яхлитлиги тўрт хил тартибли блоклардан иборат кўп ўлчовли ва кўп поғона/босқичли конструкция/тузилма сифатида тақдим қилинади. Булар иккита базавий (интеллектуал тарзда таъминлайдиган ва шахсиятга хос) ва иккита соф компетентлик (ижтимоий ва профессионал) блоклардир [58, 33 б.].

Шундай қилиб, компетентликка асосланган ёндашувнинг шаклланишининг ретроспектив таҳлили у ҳозирги кунда устувор вазифа ҳисобланишини кўрсатди, чунки у илмий билимларни

фундаментализация қилиш асосида касбий таълимнинг амалий самарадорлигини мустаҳкамлашга йўл кўрсатади/қаратади. Етарли даражада универсал ва махсус компетенцияларни аниқлаш мутахассиснинг касбий компетентлиги даражасини ўлчашнинг аниқроқ тизимини ишлаб чиқиш имконини беради. Компетенция ва - компетентлик ўзаро боғлиқ тушунчалар эканлиги, лекин шу билан бирга улар орасида ўз-ўзидан аён фарқлар мавжудлиги тушунилади.

4. Зимняя И.А. Ключевые компетентности как результативно-целевая основа компетентностного подхода в образовании. Авторская версия. - М.: Исследовательский центр проблем качества подготовки специалистов, 2004.

5. Зимняя И.А. Компетентность человека - новое качество результата образования. http://www.bigpi.biysk.ru/wwwsite/source/no/barnaul/material-barnaul/aktual-vopros/2-3/kniga_2/kniga_2.doc

69. Компетенции в образовании: опыт проектирования: сб. науч. тр. / под ред. А.В.Хуторского. - М.: Научно - внедренческое предприятие «ИНЭК», 2007. - 327 с.

70. Лаптева М. Д. Формирование в школе компетентности социального взаимодействия // Проблемы образования в условиях устойчивого развития цивилизации. Материалы V Московской международной конференции «Образование в XXI веке - глазами детей и взрослых». - М., -2005.

6. Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Х., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. Педагогик компетентлик ва креативлик асослари / Ўқув қўлланма-Тошкент, 2015. – 120 бет.

69. Нестеренко Т. В. Обучение студентов в рамках компетентностного подхода / Т. В. Нестеренко; Т. В. Нестеренко // Педагогика. - 2009. - N 4 - С. 42-46.

7. Татур Ю.Г. Компетентностный подход в описании результатов и проектировании стандартов высшего профессионального образования. - М.: Исследовательский центр проблем качества подготовки специалистов, 2004.

8. Хазова С.А. Компетентность конкурентоспособного специалиста по физической культуре и спорту. Монография. Изд. «Академия естествознания. 2010, -342.